



## “Фермерлар мактаби” ўқув курси иккинчи босқичи (суҳбат) учун НАМУНАВИЙ саволлар тўплами

### Лаёқати, Малакаси, Мотивацияси, Режалари ва Тажрибаси

1-савол: Икки ой давомида интенсив ўқиш ва амалий тажриба ортиришга тайёрмисиз?

2-савол: Агро соҳада охирги марта қачон ва қандай китоб ўқидингиз?

3-савол: Сиз ОТМдаги ўқишингиз билан Фермерлар мактабидаги ўқишни бир вақтда қандай ўзлаштирмоқчисиз?

4-савол: Сиз жорий ишингиз билан Фермерлар мактабидаги ўқишни бир вақтда қандай ўзлаштирмоқчисиз?

5-савол: Сиз марказ (шаҳар)да яшар экансиз, ушбу ўқув курсини яқунлагач фермер хўжалигида ишлаш ёки аграр соҳада ўз ишингизни бошлашга қанчалик имкониятингиз бор?

6-савол: Нима учун Фермерлар мактаби ўқув курсида ўқиш учун салоҳиятим етарлик деб ўйлайсиз?

7-савол: Қандай кучли жиҳатларингиз ҳақида сўзлай оласиз?

8-савол: Сиз фахрланадиган энг катта ютуғингиз нима?

9-савол: Қишлоқ хўжалигида қандай ижодий (креатив) ечимларни таклиф эта оласиз?

10-савол: Ҳаётингизда муаммони ноодатий усул билан ҳал қилган пайтларингиз бўлганми?

11-савол: Сизни бу лойиҳада қатнашишга нима ундади?

12-савол: Нега ўзингизни шу лойиҳада қатнашишга лойиқман деб ҳисоблайсиз?

13-савол: Курс яқунлангач ҳозирги асосий иш жойингизни (касбингизни) ташлаб (масалан ҳозир ўқитувчи экансиз), фермерлик билан шуғулланишни бошлаш ниятингиз борми?

14-савол: Фермерлар мактаби ўқув курси битрувчиларига имтиёзлик кредит учун сертификат берилмайдиган бўлса, Сизни ўқишга ундайдиган бошқа омиллар борми?

15-савол: Ўқишни битиргач қайси йўналишда фаолият бошламоқчисиз?



- 16-савол: Ўқишни битиргач қайси йўналишда фаолиятни давом эттирмақчисиз?
- 17-савол: Агар сиз имтиёзлик кредитга эга бўлсангиз, уни қайси агро соҳада тадбиркорлик қилиш учун фойдаланган бўлардингиз?
- 18-савол: Шаҳар шароитида танланган йўналишлар бўйича иш бошлаш имкониятингиз борми? Ёки қайси туманда иш бошлашни режалаштирмақдасиз?
- 19-савол: Сиз олдин .... билан шуғулланган экансиз, шу тўғрисида маълумот берсангиз.
- 20-савол: Аввал олган кредитингиз ва ундан қандай фойдаланганингиз ҳақида гапириб берсангиз.
- 21-савол: Сизнингча банк кредити қанчалик сизни ишингизни бошлашга ёрдам беради?
- 22-савол: Аввал аграр соҳадаги фаолият учун кредит олмаган экансиз, ҳозир кредит олсангиз ундан қандай фойдаланмоқчисиз?
- 23-савол: Ахборот-коммуникацион технологияларнинг аграр соҳани ривожлантиришда қандай аҳамияти бор деб ҳисоблайсиз?
- 24-савол: Сизнингча Ахборот-коммуникацион технологиялари аграр соҳадаги қандай муаммони ҳал этиши мумкин?
- 25-савол: Фермерлар ва қишлоқ хўжалиги тадбиркорлари учун хизмат қиладиган қандай вебсайт ёки мобил иловаларни биласиз?
- 26-савол: Кундалик ҳаётингизда интернетдан нима мақсадларда фойдаланасиз?
- 27-савол: Компьютердан фойдаланишни биласизми? Қандай дастурларда ишлай оласиз? Масалан, PowerPoint дастурида тақдимот ярата оласизми ёки MS Excel дастуридан нима мақсадларда фойдаланиш мумкин?



## Чорвачилик

1-савол: Сизга чет мамлакатдан насли мол олиб келиш топшириғи берилган бўлса, қандай зотни ва қайси давлатни танлар эдингиз?

2-савол: Агарда сизнинг чорвангиз учун озуқа база етарли бўлмаса, сиз қандай йўлни танлаган бўлардингиз?

3-савол: Қорамолчиликда юксак натижаларга эришиш учун сигирларни қайси йўл билан қочириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз табиий ёки сунъий?

4-савол: Қорамолчиликда юксак натижаларга эришиш учун уларнинг озуқа рационига қандай озуқаларни киритган бўлар эдингиз?

5-савол: Қорамолчилик фермаларида яратилган шароитлардан қайсилари ҳайвон эҳтиёжи учун муҳим деб ўйлайсиз?

6-савол: Чорвачиликнинг қайси тармоғини ривожлантириш мақсадидасиз ва қутиладиган натижа қандай бўлади?

7-савол: Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги юқори бўлиши нимага боғлиқ бўлади?

8-савол: Четдан келтирилган насли қорамол билан маҳаллий қорамолнинг ўртасида нима фарқ бор?

9-савол: Қорамолчиликни халқ хўжаликларида тутган ўрни.

10-савол: Сигир сутинининг одам организми учун ахамияти.

11-савол: Қорамолларнинг лактация даври қанча кун?

12-савол: «Бушуев» қандай зот ва қаерда яратилган?

13-савол: Қорамолларнинг биологик хусусиятлари.

14-савол: Қорамолларни уруғлантириш усуллари.

15-савол: Сунъий уруғлантириш усулларни айтинг?

16-савол: Қорамолларни ўсишини ўрганиш учун қандай усуллардан фойдаланилади?

17-савол: Зот деб нимага айтилади?

18-савол: Подани қайта тиклаш деганда нима тушунилади?

19-савол: Ўзбекистон ҳудудида қандай қорамол зотлари учратилади?

20-савол: Бонитровка деб нимага айтилади?



## Паррандачилик

- 1-савол: Куркаларни бўрдоқилашда қандай сақлаш усулларидан фойдаланилади?
- 2-савол: Беданалар гўштбоп қилиб неча кун боқилади?
- 3-савол: Ҳозлар гўштбоп қилиб неча кун боқилади ва неча килограмм тирик вазнга етказилиб гўштга топширилади?
- 4-савол: Қишлоқ хўжалик паррандаларни туллаш даврини бошланишида танасида қандай ўзгаришлар ва қайси кўрсаткичлари бўйича аниқланади?
- 5-савол: Товуқ тухумларини инкубациялаш даврида инкубаторларни иситкич хоналарида иссиқлик ҳаво ҳарорати неча градусни ташкил этиши керак?
- 6-савол: Қишлоқ хўжалик паррандалари тухумларини сунъий инкубациялашда замонавий қандай маркали инкубаторлардан фойдаланилмоқда?
- 7-савол: Паррандалар рационада қайси турдаги озиқалар кўп миқдорда бўлиши мақсадга мувофиқ?
- 8-савол: Паррандаларни қуруқ омехта ем билан озиқлантиришнинг самарадорлиги нимада?
- 9-савол: Сўйилган паррандаларни пат ва паридан тозалаш учун неча ҳарорат сувда қанча вақт сақлаш керак?
- 10-савол: Маҳсулдорлиги бўйича паррандалар (товуқлар) қандай йўналишларга табақаланади?
- 11-савол: Саноат паррандачилигида ва паррандачилик хўжаликларда истеъмолли тухум ишлаб чиқаришда товуқлар галасидан неча йил фойдаланиш мақсадга мувофиқ?
- 12-савол: Қишлоқ хўжалик паррандаларининг тана ҳарорати билан боғлиқ биологик хусусиятлар?
- 13-савол: Жўжаларни жинсини аниқлашни қандай усуллари мавжуд ва асбоблардан фойдаланилади?
- 14-савол: Саноат паррандачилигида ва паррандачилик хўжаликларида парранда гушти етиштиришда гушт юналишдаги қандай кросслардан фойдаланилмоқда?
- 15-савол: Беданалар гўштбоп қилиб неча кун боқилади ва неча килограмм тирик вазнга етказилиб гўштга топширилади?
- 16-савол: Паррандалар учун емдон, сувдонларни ўлчови ва уни тайёрлашни тушунтиринг?
- 17-савол: Курка жўжаларини парваришлаш ва озиқлантириш қоидалари?
- 18-савол: Хоналардаги вентиляция ва ёруғликни давомийлигининг аҳамиятини айтинг?
- 19-савол: Инкубацияга қўйилган тухумга бўлган талабларни айтинг?
- 20-савол: Паррандаларда учрайдиган касалликлар, олдини олиш тадбирлари ва чоралари?



## Иссиқхона хўжалиги

- 1-савол: Иссиқхона билан очик майдондаги микроклимни фарқи нимада?
- 2-савол: Иссиқхонага кўпроқ навлар экиладими ёки дуругайлар?
- 3-савол: Иссиқхоналарда ёруғликни созлаш мумкинми?
- 4-савол: Иссиқхоналарни қандай турларини биласиз?
- 5-савол: Лесли, ламия, жалила, дафнис бу қайси сабзаёт дурагайлари?
- 6-савол: Иссиқхонага бодрингни қайси нав ёки дурагайларини экиш мумкин?
- 7-савол: Тупроқли иссиқхоналарда нечта экиш муддати мавжуд?
- 8-савол: Тупроқсиз экин етиштириш деганда нимани тушунаси?
- 9-савол: Иссиқхоналарни қандай усулларда иситилади?
- 10-савол: Субстратлар деганда нимани тушунаси?
- 11-савол: Иссиқхоналарда сабзаёт кўчатлари неча кунда тайёр бўлади?
- 12-савол: Иссиқхоналарда бодринг учун кундузи мақбул харорат неча даража бўлиши керак?
- 13-савол: Иссиқхоналарда помидор учун кундузи мақбул харорат неча даража бўлиши керак?
- 14-савол: Иссиқхоналарда суғоришнинг қандай ресурс тежамкор усуллари бор?
- 15-савол: Сабзаёт экинларини иссиқхоналарда етиштиришга мослашган навлари билан очик дала навлари орасида қандай фарқ бор?
- 16-савол: Иссиқхоналарда кўчатлар неча хил усулда етиштирилади?
- 17-савол: Иссиқхоналарда кўчатларни қандай тувакчаларда ўстириш мумкин?
- 18-савол: Помидорни иссиқхоналарда тик қилиб ўстириш усуллари.
- 19-савол: Иссиқхоналарда бодрингни кўпроқ қандай навлари экилади?
- 20-савол: Иссиқхоналарда ширин қалампирни қандай навлари экилади?



## Полизилик ва сабзавотчилик бўйича саволлар

1-савол: Пиёз неча муддатда экилади?

2-савол: Кўчат деганда нимани тушунасиз?

3-савол: Эртаки карам қачон экилади?

4-савол: Картошкани қайси хашорат кўпроқ зарарлайди?

5-савол: Картошкани қайси навларини биласиз?

6-савол: Кечки бодринг қачон экилади?

7-савол: Саримсоқни нечта экиш муддати бор?

8-савол: Сабзавотларни таркибида неча фоиз сув бўлиши мумкин?

9-савол: Қайси сабзавотда витамин С кўп бўлади?

10-савол: Юсупов, ТМК, Волгоград, бу қайси сабзавотнинг навлари?

11-савол: Қовун очиқ далага қачон экилади?

12-савол: Тарвузни қайси нав ва дурагайларини биласиз?

13-савол: Қовоқни қандай навларини биласиз?

14-савол: Хандалак неча кунда пишиб етилади?

15-савол: “Тўқсонбости” усулида қайси сабзавот экинлари етиштирилади?

16-савол: Лалмикор ер деб нимага айтамыз?

17-савол: Ўзбекистонда асосан қайси карам тури кўп экилади?

18-савол: Пиёз қандай усулда экилади?

19-савол: Қайси полиз экинида шакар моддаси кўп?

20-савол: Полиз экинларини етиштиришда асосан қайси минерал оғитлар берилади?